# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 28 июль, № 148 (6842) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## МАМЛАКАТИМИЗДА БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИ ХОТИРЛАШ ТАДБИРЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

*Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида юртимизнинг барча ҳудудида Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримовни хотирлаш тадбирлари бўлиб ўтди.*

Миллий урф-одатимизга биноан ушбу маросимларда элга ош тортилди. Биринчи Президентимиз хотирасига Қуръон тиловат қилиниб, дуои фотиҳа ўқилди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ана шундай маросимда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Хотира тадбирларида ватандошларимиз, кенг жамоатчилик вакиллари Ислом Каримовнинг мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиш борасидаги буюк хизматларини яна бир бор эсга олдилар.

Халқимиз ўзининг истиқлол йилларида эришган барча оламшумул ютуқлари ва натижаларини ҳақли равишда Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблайди. Ислом Каримов нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида ҳам катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилган эди.

Ислом Каримов 1991 йил 31 август куни Ватанимиз мустақиллигини эълон қилди ва ғоят қалтис, таҳликали бир вазиятда оғир қийинчилик ва синовларга қарамасдан, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Ислом Абдуғаниевич ўз фаолияти, бутун онгли ҳаётининг маъно-мазмуни бўлган "Биздан озод ва обод Ватан қолсин!" деган эзгу ғояни илгари сурди ва бу шиор барчамизнинг, бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олди. Улуғ Йўлбошчимиз ана шу буюк вазифани ҳамма вақт, ҳар қандай вазиятда ҳам шараф билан адо этди, бу йўлда беқиёс куч-ғайрати ва ақл-заковатини, керак бўлганда, ҳатто азиз жонини ҳам аямади. У бутун умр "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак" деган даъватга амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратиб кетди.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг қалбидан чуқур жой олган Биринчи Президентимизнинг сўнмас хотирасини абадийлаштириш бўйича ўтган давр мобайнида юртимизда катта ишлар амалга оширилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Биринчи Президентимиз сиймоси тасвирланган ҳайкалларни яратиш, улуғ Йўлбошчимиз хотирасини абадийлаштириш, Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш бўйича муҳим қарорлари қабул қилинди.

Юртимизда Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди. Халқимизнинг самимий тилаклари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги йирик муассаса ва объектлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга Ислом Каримов номи берилди.

Яқин вақт ичида пойтахтимиздаги Оқсарой қароргоҳида Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа, Самарқанд шаҳридаги Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда мақбара, шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида Биринчи Президентимизнинг муҳташам ҳайкаллари тантанали равишда очилиши кутилмоқда.

Ўзининг ноёб истеъдоди, доимо узоқни кўзлаб иш юритиши, донишмандлик, мардлик ва олижаноблик фазилатлари билан барчамиз учун эл-юртга чексиз меҳр ва садоқат тимсоли бўлиб қолган Ислом Каримовнинг ёрқин хотираси халқимизни доим юксак мақсад ва марралар сари руҳлантиради.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Жаноби Олийлари!**

Сиз билан учрашиш мен учун катта шараф бўлди. Сизга, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига яқинда мамлакатингизга ташрифим чоғида кўрсатилган юксак меҳмондўстлик ва самимий қабул учун чин дилдан миннатдорлик изҳор этаман.

Учрашувимизда Сиз баён қилган ва Сизнинг ташаббусингиз билан ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича дастурингиз менда катта таассурот қолдирди. Мазкур ҳужжат БМТ Барқарор тараққиёт мақсадлари ва 2030 йилгача барқарор ривожланиш дастури билан ҳамоҳанг бўлиб, Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Сизнинг қўшни давлатлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни тўла қўллаб-қувватлайман. БМТ Сизнинг ҳукуматингизни умумий мақсадларимизга, жумладан, Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва превентив дипломатияни ривожлантириш борасидаги мақсадларга эришиш учун қўллаб-қувватлашга тайёр.

Сиз ва ҳукуматингизга БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказини тўла қўллаб-қувватлаётганингиз ва ҳамкорлик қилаётганингиз учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Марказий Осиёга ташрифимнинг асосий мақсадларидан бири бўлган Нукус ва Мўйноққа боришимга кўмаклашганингиз учун алоҳида ташаккур билдираман. Орол денгизи тезлик билан қуриб бораётгани мени қаттиқ ташвишга солди ва бу фалокатдан азият чекаётган аҳоли билан учрашувдан ғоят таъсирландим. Ишонтириб айтаманки, БМТ Сизнинг ушбу фожиа оқибатларини бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр.

Ҳукуматингиз ташрифим давомида кенг логистик ёрдам кўрсатгани сафарим муваффақиятли ўтишида муҳим роль ўйнади. Бунинг учун ҳам миннатдорлик изҳор этаман.

Буюк Ипак йўлининг дурдоналаридан бўлган гўзал Самарқандни яна бир бор кўрганимдан беҳад хурсандман. Маданиятлар чорраҳасида жойлашган бу шаҳарнинг кўп асрлик тарихи ва серқирра маданияти бугун ҳам бутун дунё учун намуна бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси БМТ билан ишончли ҳамкорлик қилаётгани учун ташаккур билдираман ва Ўзбекистон халқининг манфаати йўлида ҳамкорлигимизни давом эттиришимизни сабрсизлик билан кутаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Самимий ва эзгу тилаклар билан,

**Антониу ГУТЕРРИШ,**
**БМТ Бош котиби.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЁШ ПЕДАГОГ ВА ИЛМИЙ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ "ИСТЕЪДОД" ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши давлат ва жамият қурилишини изчил такомиллаштиришни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, илғор инновацион ва илм-фан ютуқларига асосланган технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўналтирилган ишларга янгича суръат берди. Бу муҳим мақсадлар юқори малакали мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва унинг энг яхши ютуқларини давлат ва жамоат тузилмалари, иқтисодиёт тармоқларида татбиқ этиш асосида жиддий қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг соҳа ва тармоқларини халқаро меҳнат бозорида юқори малакали ва рақобатбардош мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар билан ўз вақтида таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, уларни магистратура ва PhD дастурлари, малака ошириш ва стажировка ўташ орқали тайёрлаш, етакчи чет эл таълим муассасаларида таълим олиш учун талабгорларни танлов асосида саралаш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг меҳнат ва илмий-педагогик фаолияти мониторингини олиб бориш, шунингдек, юқори малакали чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларининг ўқув жараёнига кенг жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармасининг номи "Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш "Истеъдод" жамғармаси" деб ўзгартирилсин (кейинги ўринларда — Жамғарма).

2. Қуйидагилар Жамғарма фаолиятининг асосий вазифалари ва мақсадли йўналишлари этиб белгилансин:

илғор илмий тадқиқотлар ва инновациялар, юқори технологияларнинг янги ютуқларида иштирок этиш, касбий билим, кўникма ва малакаларни замон талабларига ҳамоҳанг тарзда янгилаш, янги касбга, таълимга ва амалиётга йўналтирилган дастурларни ўзлаштириш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг истиқболли мутахассислари, таълим муассасаларининг юксак интеллектуал-ижодий салоҳиятга эга бўлган педагог ва илмий кадрларини ривожланган давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш;

иқтисодиёт тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг ҳозир ва келажакда юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда таъминлаш учун танлов асосида саралаб олинган олий таълим муассасаларининг иқтидорли битирувчиларини, шунингдек, республика иқтисодиёти тармоқларининг малакали кадрларини дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи таълим ва илмий муассасаларида магистратура ва PhD дастурлари бўйича тайёрлашни ташкил этиш;

чет эллардаги нуфузли таълим ва илмий марказлар, халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва изчиллик билан ривожлантириш орқали олий таълим муассасалари, шунингдек, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказларининг ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларига улар томонидан чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга тавсия қилинаётган номзодларни Жамғарма базасида дастлабки тайёрлашни ташкил қилишда кўмаклашиш;

иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг истиқболли мутахассислари, педагоглари, илмий кадрлари ва иқтидорли ёшларнинг илмий-педагогик ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илғор халқаро тажрибаларни эгаллашлари учун уларнинг нуфузли халқаро симпозиумлар, анжуманлар, олимпиадалар ва танловларда иштирокини ташкил этиш;

чет элда малака оширган ва стажировка ўтаган мутахассислар, илмий педагог кадрлар, шунингдек, магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олганлар (кейинги ўринларда — стипендиатлар) ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида анжуманлар, семинарлар, маҳорат дарслари, тренинг ва бошқа тадбирларни ташкил этиш орқали илғор хорижий тажриба ҳамда замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этиш ва оммалаштиришни таъминлаш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА МОЛ-МУЛКНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ижро иши юритишни амалга оширишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича аукцион савдоларининг қонунийлиги, шаффофлиги ва холислигини таъминлаш, нарх-наво манипуляцияси ва бошқа суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслик ҳамда уларнинг олдини олиш, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари сўзсиз ижро этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йил 1 сентябрдан бошлаб:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича аукцион савдолари фақатгина "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукционлар шаклида ўтказилади;

электрон онлайн-аукционлар уларда интернет тармоғи орқали иштирок этиш имконини берадиган ҳамда буюртмаларни қабул қилиш ва ғолибни аниқлаш тартиб-таомилларига аралашувни истисно этадиган махсус дастурий маҳсулотдан фойдаланилган ҳолда ўтказилади;

электрон онлайн-аукционлар ўтказилиши ҳақидаги хабарнома ва лот тўғрисидаги маълумот электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли операторнинг веб-порталида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) ва унинг ҳудудий бошқармалари веб-сайтларида аукцион ўтказиш бошланишига 10 календарь кундан кечиктирмасдан жойлаштирилади;

электрон онлайн-аукционларда иштирок этиш электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон буюртма бериш ва закалат киритиш орқали амалга оширилади;

дастлабки электрон онлайн-аукцион нархни ошириб бориш тамойили, такрорийлари эса нархни тушириб бориш тамойили бўйича ўтказилади;

мол-мулк электрон онлайн-аукционга баҳолаш қиймати бўйича қўйилади;

давлат ижрочилари электрон онлайн-аукционларда сотилмаган мол-мулкни арзонлаштиришга ҳақли эмас.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Бюро ҳузуридаги "Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази" давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) ташкил қилиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017 — 2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Шу билан бирга, республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, кадрларни эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга доир қатор долзарб масалалар тўлиқ ечимини топмаган.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий экспертлар гуруҳи томонидан 2017 йилнинг январь — июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари асосида берилган хулосаларда олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар қайд этилган.

(Давоми 2, 3-бетларда).

## Бухорода «Китоб олами»

***Қадимий ва навқирон шаҳарда "Бухоро китоб олами" масъулияти чекланган жамияти томонидан мажмуа барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.***

**ҚУЛАЙЛИК**

Бунинг учун қаровсиз ҳолга тушиб қолган "Варахша" меҳмонхонасининг бир қисми корхонага "ноль" қийматида берилгани айни муддао бўлди. Тадбиркорлар бу ерда Президентимизнинг 2017 йил 12 январда имзоланган "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ, бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар.

(Давоми 4-бетда).



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА МОЛ-МУЛКНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш;

мол-мулкни электрон онлайн-аукционларда реализация қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

фуқароларни электрон онлайн-аукционларда иштирок этиш тартиби, шунингдек, савдога қўйилган мол-мулк ҳақида кенг хабардор қилиш;

электрон онлайн-аукционларда иштирок этиш учун электрон рақамли имзо калитларининг сертификатларини бериш;

мол-мулкни сақлаш, ташиш, сақлаб туриш ва савдога тайёрлаш бўйича хизматлар кўрсатиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Бюро Марказнинг муассиси (мулкдори) ҳисобланади;

Марказ суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли оператор ҳисобланади;

Марказ ўз фаолиятини амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида филиаллар ташкил этишга ҳақли;

Марказ фаолиятини молиялаштириш электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш, электрон рақамли имзо калитларини бериш хизматлари учун тушаётган маблағлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, шунингдек, Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Қуйидагилар:

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Бюро бир ой муддатда:

Марказнинг Уставини тасдиқласин ва унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Марказни унинг фаолиятини юқори ва профессионал даражада самарали ташкил этишга қодир бўлган малакали кадрлар билан тўлдирсин;

Марказни мебель, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва бошқа зарур моддий-техника ресурслари билан жиҳозласин.

7. Марказ унинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, компьютер ва сервер техникаси, техника воситалари, дастурий маҳсулот ва бошқа моддий-техника ресурслари учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан 3 йил муддатга озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Бюро Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда теле ва радиоканалларда, босма нашрларда, интернет тармоғида, шунингдек, бошқа оммавий ахборот воситаларида мазкур қарор нормаларининг мазмун-моҳияти электрон онлайн-аукционларда иштирок этиш ва уни ўтказиш натижаларига кўра мол-мулкни реализация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда кенг ёритилишини ташкил қилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 июль

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА МОЛ-МУЛКНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Суд ҳокимияти қарорларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қиладиган одил судловни қарор топтириш борасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий йўналишларидан бири, бу — суд қарорларини ижро этишнинг самарали тизимини яратиш ҳисобланади.

Шу мақсадда мамлакатимизда қонунийлик, адолат ва ижро иши юритишдаги томонлар ва бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш принциплари асосида фаолият юритадиган мажбурий ижро институтларини шакллантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Бюро фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси" фаол амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ижро ишини юритишда коррупциявий хавф-хатарларни ўз ичига олган, қонунларнинг бузилиши ва фуқароларнинг асосли норозилигига сабаб бўлаётган айрим механизмлар ҳанузгача сақланиб келаётганлигини кўрсатди.

Суд қарорларини ижро этиш доирасида ташкил этилаётган оммавий савдолар замонавий талабларга жавоб бермайди ҳамда хатланган мол-мулкнинг олди-сотди бозорини монополиялаштиришга, нарх бўйича манипуляцияларга ва бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга замин яратган.

Аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабарномаларни фақат босма нашрларда чоп этишни, аукционларга иштирок этишга ёзма равишда шахсан бериладиган аризалар асосида қўйишни назарда тутувчи оммавий савдоларни ташкил этишнинг анъанавий усуллари инсофсиз савдо ташкилотчилари томонидан салоҳиятли харидорларнинг аукционда иштирок этишини чеклаш, мол-мулкни паст нархларда сотиш учун сохта аукционларни ўтказишга ва бошқа суиистеъмолчиликларга йўл очиб берган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги юқорида кўрсатилган камчиликлар сотувга чиқарилган мол-мулкнинг бир неча маротаба арзонлаштирилишига, мол-мулкни сотиш жараёнларининг чўзилиб кетишига олиб келган ва пировард натижада суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишига имкон бермаган.

Шу муносабат билан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари ижроси юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида хатланган мол-мулкни реализация қилиш механизмларини тубдан ўзгартириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва онлайн-савдо усулларини жорий этиш орқали аукцион ўтказиш тартиботларининг максимал шаффофлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Қарорга мувофиқ, 2017 йил 1 сентябрдан бошлаб хатланган мол-мулкни сотиш бўйича оммавий савдолар фақат "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукционлар шаклида ўтказилади.

Савдоларни ўтказишнинг янги тартиби фуқаролар учун электрон онлайн-аукционларда кенг иштирок этиш ҳамда кўчмас мол-мулк, автотранспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни адолатли ва шаффоф савдоларда сотиб олиш имкониятини таъминлайди.

Электрон онлайн-аукционлар интернет тармоғида аризаларни қабул қилиш ва ғолибни аниқлаш жараёнларига ҳар қандай аралашувга йўл қўймайдиган махсус дастурий мажмуадан фойдаланган ҳолда ташкил этилади ва ўтказилади.

Электрон онлайн-аукционларга электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон аризани интернет тармоғи орқали берган ва мол-мулк баҳоланган қийматининг 5 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлаган шахслар қўйилади.

Бунда киритилган закалат пуллари ғолиб томонидан мол-мулкнинг қийматини тўлашда тўлов суммасига қўшиб ҳисобланади. Аукционда ғолиб бўлмаган бошқа иштирокчиларга эса аукцион якунлангандан сўнг закалат пуллари тўлиқ қайтарилади, аукцион давомида ўз мажбуриятларини бажармаган иштирокчилар бундан мустасно.

Электрон рақамли имзога эга бўлмаган иштирокчиларга уни интернет орқали буюртма қилиш имконияти яратилади.

Электрон онлайн-аукционлар ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ўтказилади. Иштирокчилар унда масофадан туриб, шу жумладан, мобиль дастурий иловалардан фойдаланган ҳолда иштирок этишлари мумкин.

Дастлабки аукционлар нархни ошириб бориш тамойили асосида ўтказилиб, унда лот нархи бўйича охирги тасдиқлаган иштирокчи ғолиб деб топилади. Агар аукцион бошланиши пайтига қадар унда иштирок этишга фақат 1 нафар иштирокчи томонидан ариза берилган бўлса, бу иштирокчи мол-мулкни аукционга қўйилган бошланғич нархда сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Дастлабки аукционлар мол-мулкка қизиқиш бўлмаганлиги сабабли ўтказилмаган деб топилган тақдирда, нархни тушириб бориш тамойили асосида такрорий аукционлар ўтказилади. Бундай аукционларда эълон қилинган лот нархини биринчи тасдиқлаган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Электрон онлайн-аукционларда ғолибларни аниқлаш ташқаридан аралашувни истисно қилган ҳолда автоматик тарзда амалга оширилади. Аукцион ғолиби аукцион якунланиши билан дарҳол эълон қилиниб, аукцион натижалари тўғрисидаги баённома автоматик равишда шакллантирилади.

Аукцион ғолиби сотиб олинган мол-мулкнинг тўлиқ қийматини аукцион якунланган кундан бошлаб 5 иш куни давомида тўлаш ҳуқуқига эга бўлиб, тўлов амалга оширилгандан сўнг унга махсус бланкда расмийлаштирилган аукцион натижалари тўғрисидаги баённома топширилади ёки почта жўнатмаси билан жўнатилади.

Аукцион натижалари тўғрисидаги баённома олди-сотди шартномаси кучига эга бўлиб, мол-мулкка қўйилган тақиқни ечишга, уни ғолибга топширишга, шунингдек, мол-мулкни, унга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа мулкий ҳуқуқларни ғолиб номига рўйхатга ёки ҳисобга қўйишга асос бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, қарор билан **Бюро ҳузурида «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси ташкил этилди** ва у «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли оператор ҳисобланади.

Марказнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш;

мол-мулкни электрон онлайн-аукционларда реализация қилиш масалалари бўйича ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

фуқароларни электрон онлайн-аукционларда иштирок этиш тартиби, шунингдек, савдога қўйилган мол-мулк тўғрисида кенг хабардор қилиш;

электрон онлайн-аукционларда иштирок этиш учун электрон рақамли имзо калитларининг сертификатларини бериш;

мол-мулкни сақлаш, ташиш, сақлаб туриш ва савдога тайёрлаш бўйича хизматлар кўрсатиш.

Шу билан бирга, қарор билан Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бозорини монополиядан чиқариш ва унинг максимал шаффофлигини таъминлаш, ушбу соҳада нарх билан боғлиқ найранглар ва бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, уй-жой ва нотурар кўчмас мулкларни, автотранспорт воситалари ва бошқа турдаги мол-мулкни очиқ ва адолатли оммавий савдоларда (электрон онлайн-аукционларда) сотиб олиш жараёнларига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этишга қаратилган.

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД — ОИЛА ҚУВОНЧИ, ЖАМИЯТ ЮТУҒИ

*Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом вояга етказиш, оналар ва болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилди, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил қилинди, шу билан бирга, болаларда ногиронликнинг олдини олиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, касалликлар тарқалишини бартараф этиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламга тиббий ёрдам кўрсатиш каби масалаларда меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.*

## ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялашдек устувор вазифа босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. "Оналар ва болалар", "Ёшлар", "Баркамол авлод", "Оила", "Соғлом она ва бола" номлари билан аталган йилларда бажарилган чора-тадбирлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом фарзанд тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамоҳангдир.

Ўтган даврда мамлакатимиз ва жамиятимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган қатор умуммиллий дастурлар, биринчи навбатда, "Соғлом она — соғлом бола" дастури амалга оширилди. Бундай саъй-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилаётгани қувонарлидир.

Хусусан, жамиятнинг бебаҳо бойлиги бўлган инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, юртимизда тиббий хизмат сифатини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳамиша давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятларга сафарлари пайтида ижтимоий аҳамиятга молик турли объектлар қатори қишлоқ врачлик пунктлари, кўп тармоқли клиникаларда бўлиб, шифокорлар ва беморлар билан бевосита мулоқот қилиб келаётгани бу борада кўплаб масалаларни жойларда самарали ҳал этиш имконини бераётир.

Маълумки, шу йил 5 январь, 7 февраль, 30 март ва 6 июль кунлари тиббиёт масалалари юзасидан бўлиб ўтган мажлисларда мазкур тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш, юртдошларимизда ҳақли эътироз уйғотаётган долзарб муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилган, шу борада амалга оширилаётган дастурлар ижроси атрофлича кўриб чиқилган эди. Бундан мақсад, Президентимиз таъкидлаганидек, соғлиқни сақлаш масаласи ҳар бир одамнинг кундалик ҳаётига тўғридан-тўғри дахлдор бўлиб, бу борадаги муаммолар аҳолининг саломатлигига, охир-оқибатда жамиятимизнинг ижтимоий кайфиятига, халқнинг давлатга, ҳукуматга бўлган ишончига, ҳеч шубҳасиз, энг кучли таъсир кўрсатадиган соҳадир.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида яратилган шарт-шароит ҳам бугунги кун талабига тўла мос келади. Марказ қошида 40 ўринга мўлжалланган махсус "Туғма ва орттирилган ЛОР аъзолари касалликлари" янги бўлими ишга туширилди, у замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди ҳамда маҳаллий ёш шифокорларимиз Польша, Австрия, Франция, Украина, Россия, Словакия, Италия каби давлатларнинг етакчи клиникаларида таҳсил олиб қайтишди.

Ҳозирги кунгача олиб борилган илмий тадқиқот ишлари амалиётда ўз натижасини бермоқда. Жумладан, ушбу марказ профессорлари — Ф. Иноятова, Д. Аҳмедова, Ш. Амонов республикамизда эшитиши заиф бўлган ва умуман эшитмайдиган болаларнинг эшитиш қобилиятини тиклашдек ўта масъулиятли вазифани ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, эшитишни йўқотиш инсон турмуш тарзини издан чиқарадиган омиллардан бири ҳисобланади. Ер шари аҳолисининг 5,3 фоизи эшитиш қобилиятининг пасайганлигидан азият чекади. Дунё бўйича ҳар 1000 та янги туғилган чақалоқдан биттаси эшитиши пастлиги ёки мутлақ карлик билан туғилади. Бу кўрсаткич бир ёшга борганда 2 ёки 3 баравар ортади. Эшитиш заифлиги ирсий, туғма ёки орттирилган бўлиши мумкин. Афсуски, бундай болаларда иккиламчи нутқ шаклланмай қолади, улар жамиятда ўзларини ижтимоий чегараланган ҳис қилади, бу, ўз навбатида, баъзиларда руҳий етишмовчиликларни келтириб чиқаради. Оқибатда кўпгина болалар умр бўйи ногирон бўлиб қолишади.

2014 йилгача оғир эшитиш заифлиги ва карлик мавжуд бўлган болалар кохлеар имплантация учун чет элларга боришга мажбур эди. Бу эса катта молиявий сарф-харажатларни талаб қилар, аммо шунчалик оворагарчилик ҳам иш бермас эди. Негаки, имплантация қилинган ўғил-қизларда операциядан кейинги реабилитация тадбирлари ўтказилмас, натижада жарроҳлик амалиёти самараси сезилмасди.

2014 — 2016 йилларда энг замонавий эшитиш имплантлари қўлланилиши асосида 300 нафар болада кохлеар имплантация операцияси бажарилиши режалаштирилиб, ҳукуматимиз томонидан барча шароит яратиб берилди. Марказ олимлари томонидан "Оғир эшитиш заифлиги ва карлиги бўлган болалар реабилитацияси (Ўзбек модели)" илмий-амалий дастури доирасида 4000 дан ортиқ ўғил-қизлар текширувлардан ўтказилди. 5 ёшгача бўлган 300 нафар кичкинтойга давлат бюджети ҳисобидан, 54 нафарига имплант ишлаб чиқарувчи компаниянинг мурувват ёрдами ва 5 ёшдан катта бўлган 29 нафар болага имтиёзли кредит ҳисобидан кохлеар имплантация бажарилди.

Имплантация қилинган болаларни мониторинг қилиш натижалари эса 90 фоиз ижобий. Яъни уларнинг эшитиш қобилияти тикланиб, гапира бошлади. 7 ёшга кирганлари эса умумтаълим мактабларида ўз тенгқурлари қаторида таҳсил олишмоқда. Турли мусиқий тўгараклар, давлатимиз томонидан ўтказиладиган имконияти чекланган болалар иштирокидаги ва бошқа байрамларда фаол қатнашмоқда.

Қувонарлиси шундаки, 2016 йилда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган эшитиши чекланган болаларга мўлжалланган "Сеҳрли симфония" номли халқаро мусиқий танловда 5 нафар ўзбекистонлик бола иштирок этди ва 1-даражали дипломлар соҳиби бўлишди. Бугунги кунда эса болалар мазкур йилнинг сентябрь ойида ўтказилиши режалаштирилаётган ушбу тадбирда қатнашишга тайёргарлик кўришмоқда.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши 2017 йилда бериладиган Давлат мукофотлари танловига қўйилган ишлар рўйхати эълон қилинди. Улар орасида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази профессорлари Ф. Иноятова, Д. Аҳмедова, Ш. Амонов томонидан тайёрланган "Оғир эшитиш заифлиги ва карлиги бўлган болалар реабилитацияси (Ўзбек модели)" номли илмий-амалий тадқиқот бор.

Олимларимиз томонидан яратилган бу дастур "Ўзбек модели" дейилиши бежиз эмас. Гап шундаки, бунда эшитиши заиф бўлган болани текшириб, унга индивидуал режа тузиб, кохлеар имплантация операцияси бажарилиб, ҳатто, эшитиши тикланишидан жамиятда ўз ўрнини топишигача бўлган босқичлар қамраб олинган.

Дастур бўйича реабилитациянинг барча босқичи республикамизда ўтказилишининг муҳим жиҳати шундаки, у иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланиб, кохлеар имплантация учун беморларнинг хорижга бориб сарсон бўлишини камайтирди. Бу эса ота-оналар учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ифодасидир.

Дастурнинг яна бир ибратли жиҳати шундаки, нафақат эшитиши заиф бўлган болалар, балки эндигина туғилган чақалоқларнинг эшитишидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш мақсадида марказнинг ҳудудий филиаллари ва вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларида "Нейрософт" махсус ускунаси ёрдамида аудиоскрининг усули йўлга қўйилди. Реабилитация жараёни самарадорлигини юксалтириш борасида республикамиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган неонатологлар, ЛОР ва умумий амалиёт шифокорларига эшитиш қобилиятининг чуқур бузилишлари ва карликни ташхислашда аудиоскринингдан фойдаланиш ўргатилди ҳамда сурдопедагоглар кохлеар имплантация реабилитация босқичларини ўзлаштириш бўйича таҳсил олишди. Шу боис олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган кохлеар имплантация дастури халқаро ва маҳаллий конференция ҳамда съездларда муҳокама қилиниб, жаҳоннинг етакчи клиникалари томонидан "Ўзбек модели" деб тан олинди.

Мухтасар айтганда, "Оғир эшитиш заифлиги ва карлиги бўлган болалар реабилитацияси (Ўзбек модели)" илмий-амалий дастури жондан азиз дилбандларимиз ногиронлигининг олдини олиш ҳамда камайтиришга, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилади.

**Лазиз ТЎЙЧИЕВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Объектда 3 миллиард 196 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш юмушлари бажарилди. Уч қаватли кўркам бино миллий меъморчилик анъаналари асосида безатилди. Харидорларга барча қулайлик яратилди.

## Бухорода «Китоб олами»

Бинобарин, маскан атрофи ободонлаштирилиб, қулай микроиқлим юзага келтирилди. Фаввора ҳам қурилди. Мажмуадан айни пайтда 5 мингдан зиёд номдаги китоблар ўрин олган. Бинонинг учинчи қаватида тез орада 70 ўринли кинозал, шунингдек, ўзбек ҳамда жаҳон адабиётининг нодир намуналари асосида ишланган фильмларни намойиш қилишга мўлжалланган 7D зали ҳам фаолият бошлайди.

"Китоб олами" мажмуасининг очилиш маросимида вилоят ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 80 022 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8768

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.50 Топширилди — 01.55 1 3 4 5 6